

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ЭШАНКУЛОВ БОБОМУРОД ИНАЯТОВИЧ

**ҒАРБИЙ ТЯНЬ-ШАННИНГ ТОҒ ОЛДИ ЛАЛМИКОР ЕРЛАРИДА
ХАНДОН ПИСТАНИ САНОАТ ПЛАНТАЦИЯЛАРИДА ЎСТИРИШ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**06.03.01 – Ўрмон экинлари. Селекция, уруғчилик ва шахарларни
кўкаламзорлаштириш. Ўрмонлар агромегиорацияси ва химоя
ўрмонларини барпо этиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2018

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on agricultural
sciences**

Эшанкулов Бобомурод Инаятович

Ғарбий Тянь-Шаннинг тоғ олди лалмикор ерларида хандон пистани саноат
плантацияларида ўстириш технологияларини такомиллаштириш 3

Эшанкулов Бобомурод Инаятович

Совершенствование технологии выращивания фисташки настоящей
на промышленных плантациях в богарных предгорьях Западного
Тянь-Шаня 19

Eshankulov Bobomurod Inayatovich

Perfection of the technology of growing pistachio present on industrial plants
in the rain foothills of the Western Tien-Shan 35

Эълон қилинган ишлари рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 39

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ЭШАНКУЛОВ БОБОМУРОД ИНАЯТОВИЧ

**ҒАРБИЙ ТЯНЬ-ШАННИНГ ТОҒ ОЛДИ ЛАЛМИКОР ЕРЛАРИДА
ХАНДОН ПИСТАНИ САНОАТ ПЛАНТАЦИЯЛАРИДА ЎСТИРИШ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**06.03.01 – Ўрмон экинлари. Селекция, уруғчилик ва шахарларни
кўкаламзорлаштириш. Ўрмонлар агромегиорацияси ва химоя
ўрмонларини барпо этиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2018

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Qx174 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Чернова Галина Михайловна
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Қайимов Абдухалил
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
Толипов Хожимурод Миразимович
биология фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

**Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик,
узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот
институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2018 йил 29 сентябр соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz. Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (535599-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2018 йил 15 сентябр куни тарқатилди.
(2018 йил 28 августдаги 1-рақамли реестр баённомаси).

Б.А. Сулаймонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик

Я.Х. Юлдашов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, қ.х.ф.н., доцент

М.М. Адилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, қ.х.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Хандон писта дунёнинг кўпгина мамлакатларида етиштирилувчи қимматбаҳо, сердаромад маданий экин тури ҳисобланади. Дунё бўйича ҳар йили 855 минг тонна хандон писта мевалари етиштирилади. Энг кўп хандон писта етиштирувчи давлатлар Эрон (415,5 минг т.), АҚШ (233,1 минг т.), Туркия (155 минг т.), Хитой (76,9 минг т.) ва Сурия (28,8 минг т.) ҳисобланади¹. Хандон писта ҳосилдорлигини ошириш учун унинг плантацияларини тўғри ташкил этиш ва сифатли кўчатларни тайёрлаш долзарб масала бўлиб ҳисобланади.

Дунё бўйича пистачиликни ривожлантириш борасида кенг кўламли изланишлар олиб борилиб, *Pistacia vera* L. нинг табиий ўрмонлари маҳсулдорлигини ошириш ва маданий плантациялари сифатини яхшилаш, серҳосил плантациялар барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хандон пистанинг лалмикор ерларда ўстиришга мос, серҳосил, юқори сифатга эга экспортбоп маҳсулот берадиган нав ва шакллари яратиш, уруғидан доимий ўсиш жойига экиш ва парваришлаш технологиясини такомиллаштириш бўйича кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилган ва муҳим натижаларга эришилган.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг лалми ҳамда тоғолди ҳудудларидаги бўш турган ерларда пистачиликни ривожлантириш орқали аҳоли даромадларини ошириш мақсадида ўрмон хўжалиги тизимида кенг кўламли ислохотлар олиб борилмоқда. Республикамиз ҳудудида 2018-2021 йилларда 10 минг гектарга яқин майдонда интенсив типдаги писта плантациялари барпо этиш режалаштирилган. Бунда, айниқса хандон писта плантацияларини барпо этиш тизимини соддалаштириш, писта ўрмонларининг ҳосилдорлигини ошириш, пистачиликда инновацион усулларни қўллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш...» вазифалари белгилаб берилган². Бу ўринда, хандон писта плантацияларини контейнерларда етиштирилган кўчатларидан барпо этиш орқали экспортбоп маҳсулот етиштириш, самарадорлигини янада ошириш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат кўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги 2017 йил 11 майдаги ПФ-5041-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 майдаги ПҚ-2966-сон «Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги вазифаларни илмий жиҳатдан асослаш ҳамда

¹ <http://www.fao.org/faostat/ru/#data/QC>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

амалий жиҳатдан бажаришга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот ишлари республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хандон писта плантацияларини саноат асосида барпо этиш бўйича илмий тадқиқотлар дунёнинг бир қатор давлатларида амалда тадқиқ этилган. Бу йўналишда Эронда А.Дж.Масъуд Хезри, M.Larue, АҚШ да W.E.Whiteous, Францияда M.Ayfer, K.Evreinoff, F.Takeda, Италияда P.Spina, F.Pennisi, D.Avanzata, F.Manastra, Арманистонда Л.А. Эфиаджян каби олимлар қатор илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Ўзбекистонда хандон писта ўрмонларини барпо этиш бўйича илмий тадқиқот ишлари дастлаб С.Ю.Раунер ва Н.И.Корольковлар томонидан химоя ўрмонзорлари барпо этиш, кейинчалик И.К. Тросько, С.М. Аблаев, Г.М. Чернова ва Л.В.Николяилар томонидан эса химоя ўрмонларидан ҳосил олиш мақсадида плантацияларга айлантириш бўйича қатор тадқиқотлар олиб борилиб, уларнинг илмий асослари ишлаб чиқилган. Сўнги йилларда Ўзбекистон ўрмон хўжалиги илмий тадқиқот институти олимлари Г.М. Чернова ва Л.В.Николяилар томонидан хандон писта кўчатларини контейнерларда етиштириш технологияси элементлари ишлаб чиқилган. Лекин, контейнерларда етиштирилган хандон писта кўчатларини плантацияларга экиш ва дастлабки парваришlash агротехникаси тўлиқ ишлаб чиқилмаган ва илмий асосланмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг КХА-5-002-2015 «Разработка технологии эксплуатации маточных плантаций фисташки настоящей» (2015-2017 йй.) мавзусидаги илмий-амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади хандон пистанинг уруғларига экиш олди ишлов бериш, кўчатларини контейнерларда етиштириш ҳамда интенсив усулда саноатбоп писта плантациялари барпо этиш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

хандон писта уруғларини экишга тайёрлашнинг мақбул, тежамкор ва самарали технологиясини ишлаб чиқиш;

хандон писта кўчатларини ёпиқ илдиз тизимида – контейнерларда ўстириш технологиясини илмий асослаш;

нам сақловчи моддаларнинг хандон писта кўчатларини ўсиши ва ривожланишига таъсирини аниқлаш;

минерал ўғитларнинг хандон писта кўчатларининг ўсиши ва ривожланишига таъсирини баҳолаш ва мақбул меъёрини белгилаш;

ўтказилган тадбирларни иқтисодий самарадорлигини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб, Тошкент вилояти «Бурчмулла» давлат ўрмон хўжалигида барпо этилган хандон писта плантациялари, Ўрмон хўжалиги ИТИ да яратилган нав ва шакллари хизмат қилди.

Тадқиқотнинг предмети хандон пистанинг уруғлари, уларни экишга тайёрлаш тартиби, контейнерда ўстирилган кўчатлар, минерал ўғитлар ва уларнинг меъёрлари, нам сақловчи моддалар «гидрогель» ва юза фаол «мелиорант» моддалар, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши кабилар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Хандон писта плантацияларини барпо этиш учун уруғларини экишга тайёрлаш бўйича тадқиқотлар С.М. Аблаев (1977 йил) томонидан ишлаб чиқилган услуб асосида амалга оширилди. Хандон писта ниҳолларини турли ҳажмдаги контейнерларда ўстириш бўйича тажрибалар Г.М.Чернова ва Л.В.Николяилар томонидан ишлаб чиқилган услубдан (ЎХИТИ, 2010 йил) фойдаланилиб бажарилди. Хандон писта кўчатларининг ўсишига минерал ўғитларнинг таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқотлар Ўрмон хўжалиги илмий тадқиқот институти олимлари томонидан ишлаб чиқилган услуб (ЎХИТИ, 1979 йил) бўйича ўтказилди. Олинган тадқиқотлар натижаларига статистик ишлов бериш Б.А.Доспехов услубига асосан бажарилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк маротаба писта уруғларини экишга тайёрлашда уларнинг униб чиқиши учун сув ютиш даражаси бўйича меъёри аниқланган;

контейнерда етиштириш учун хандон писта уруғларини герметик шиша идишларда сақлаш ва экишга тайёрлаш усуллари такомиллаштирилган;

хандон писта кўчатларини етиштириш учун контейнерларнинг мақбул ўлчами (20x40 см) ва субстрат таркиби аниқланган;

лалмикор ерларда хандон писта кўчатларини ўстиришда нам сақловчи моддалар ва юза фаол модда «мелиорант»дан фойдаланиш орқали уларнинг тутиб қолиш даражасини ошириши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

хандон писта уруғларини экишга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш орқали уруғларни доимий жойга экиб, плантация барпо этилганда уруғларни 5,5-6,0 мартагача кам сарфланишига, кўчатларни эса юқори (89-92%) тутувчанликка эришилиши мумкинлиги аниқланган;

контейнерларда етиштирилган хандон писта кўчатларидан плантациялар барпо этишда юза фаол модда «мелиорант» дан фойдаланиш натижасида уларнинг сақланиб қолиш даражаси 10%, нам сақловчи моддалардан фойдаланилганда эса 12% га юқори бўлиши аниқланган;

шунингдек, такомиллаштирилган технологияда хандон писта плантациясини барпо қилиш орқали 5 чи йилдан бошлаб, гектаридан ўртача 0,6 тонна ҳосил олиш ёки 15074 минг сўмгача соф даромад олиш (123% рентабелликка эришиш) мумкинлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган илмий тадқиқот натижаларини илмий лойиҳалар доирасида бажарилганлиги, уларни апробация комиссиялари томонидан ижобий баҳоланганлиги; илмий тадқиқотлар

тўғрисидаги ҳисоботларни Ўрмон хўжалиги илмий тадқиқот институти илмий кенгашида муҳокама этилганлиги ва ижобий тақриз олинганлиги; тажриба натижаларининг статистик таҳлилдан ўтказилганлиги, олинган илмий натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги; тадқиқот натижаларини республика ва хорижий илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги ҳамда ЎзР ОАК эътироф этган илмий журналларда мақолалар чоп этилганлиги кабилар натижаларнинг ишончлилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти хандон писта уруғларини экишга тайёрлашнинг илмий асослари ишлаб чиқилганлиги, контейнерда етиштирилган кўчатларни плантацияга экишда нам сақловчи инновацион технологиялардан фойдаланиб интенсив асосда плантациялар яратишнинг илмий асосланган агротехнологик тадбирларининг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса 20x40 см ўлчамли контейнерларда етиштирилган хандон писта кўчатларини тупроққа 50 г нам сақловчи моддалар билан ишлов берилган майдонларда плантация барпо этиш, ҳамда ҳар бир кўчатни N₁₀P₁₀ миқдоридан ўғитлаш ишларини амалга ошириш орқали 5-6 йилда ҳосил олиш имкониятини таъминлаш билан бирга лалми тоғ ва тоғолди ҳудудларидан самарали фойдаланиш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқилганлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фарбий Тянь-Шаннинг тоғ олди лалмикор ерларида хандон пистани саноат плантацияларида ўстириш технологиясини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижаси асосида:

контейнерларда етиштирилган кўчатларидан хандон писта плантацияларини барпо этишнинг такомиллаштирилган технологияси Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани «Бурчмулла» давлат ўрмон хўжалигида 10 гектар, «Поп» ихтисослаштирилган ўрмон хўжалигида 2 гектар, Фарғона давлат ўрмон хўжалигида 3 гектар майдонларда жорий этилган (Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2018 йил 30 апрелдаги 03/18–1132-сон маълумотномаси). Натижада хандон писта уруғлари сарфини 15 фоизга тежаб қолинган ва писта кўчатларининг тутиб қолиш даражаси 12 фоизга ортган, иқтисодий самарадорлик гектаридан ўртача 15074 минг сўмни ташкил этган;

нам сақловчи «гидрогель» моддалардан фойдаланиб хандон писта плантацияларини барпо этиш технологияси Тошкент вилояти Паркент тумани «Обидов» фермер хўжалиги шароитида 4,0 гектар майдонда жорий этилган (Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг 2018 йил 27 апрелдаги 01/04–375/18-сон маълумотномаси). Натижада хандон писта уруғлари сарфини 17 фоизга тежаб қолиш ва писта кўчатларининг тутиб қолиш даражасини 10 фоизга оширишга эришилган, иқтисодий самарадорлик ўртача гектарига 12250 минг сўмни ташкил этган;

юза фаол модда «мелиорант»дан фойдаланиб хандон писта плантацияларини барпо этиш технологияси Фарғона вилояти Фарғона тумани «Водил» фермер хўжалиги шароитида 2,0 гектар майдонда жорий этилган

(Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг 2018 йил 27 апрелдаги 01/04–375/18-сон маълумотномаси). Натижада хандон писта уруғлари сарфини 17 фоизга тежаб қолиш ва писта кўчатларининг тутиб қолиш даражасини 10 фоизга оширишга эришилган, иқтисодий самарадорлик ўртача гектарига 12250 минг сўмни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та республика миқёсидаги ва 2 та халқаро конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 13 та илмий ишлар чоп этилган: шу жумладан 4 та мақола ЎзР ОАК томонидан тавсия этилган илмий журналларда (жумладан 1 таси хорижий), 9 та мақола илмий-амалий конференциялар материалларида (жумладан 2 таси хорижий) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги баён этилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Хандон писта етиштиришнинг тарихи, ҳолати ва истиқболи**» деб номланган биринчи бобида хандон пистанинг дендрологик тавсифи, хандон писта ҳосилдорлиги ва селекцияси, чет элда хандон писта плантацияларини барпо қилиш тажрибаси, Ўзбекистонда хандон писта етиштириш тажрибаси маҳаллий ва хорижий илмий манбалар, интернет маълумотлари ўрганилиб, хандон писта уруғларини экишга тайёрлаш, контейнерларда кўчатларини етиштириш технологиялари, плантацияларда ўстириш ва парваришlash бўйича ўтказилган илмий тадқиқот натижалари таҳлил этилган ҳамда мавзунинг ўрганилганлик даражаси асосланган.

Хандон писта уруғларини экишга тайёрлаш, кўчатларини контейнерларда етиштириш, ёпиқ илдиз тизимидан фойдаланиб етиштирилган кўчатлар орқали плантациялар барпо этиш ва уларни парваришlash технологиясини такомиллаштириш бўйича ўтказилган тадқиқот натижаларидан шу нарса маълумки, Ўзбекистоннинг иқлим ва тупроқ шароитларида ушбу ишларни илмий жиҳатдан асослаш бўйича тадқиқот ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Диссертациянинг «**Тадқиқот дастури, услуби ва табиий шароитлари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот давомида бажариладиган ишларнинг дастури ва услуби баён этилган. Тадқиқот дастурида уруғларни сув ютиш

динамикаси, контейнерларда ўстириш тажрибаси, плантацияларда юза фаол модда, гидрогель ва минерал ўғитлардан фойдаланиш бўйича тажрибалар ўтказиш режалаштирилган бўлиб, уларни ўтказиш услуги баён этилган. Дала тажрибалари Тошкент вилояти «Бурчмулла» ўрмон хўжалиги худудида ўтказилди. Тадқиқот объектининг табиий шароитлари «Чимён» метеостанцияси маълумотлари асосида ўрганилди. Уруғларнинг сув ютиш динамикаси ТошДАУ Ўрмончилик ва ўрмон мелиорацияси кафедраси профессори, к.х.ф.доктори Аблаев С.М. томонидан ишлаб чиқилган услуб асосида амалга оширилди. Хандон писта ниҳолларини турли хажмдаги контейнерларда ўстириш бўйича тажрибалар ўтказишда Ўрмон хўжалиги илмий тадқиқот институти олимлари Чернова Г.М ва Л.В.Николяя томонидан ишлаб чиқилган услубдан фойдаланилиб, ундан фарқли равишда 5x25, 10x25, 15x30, 20x40 см хажмли контейнерлар танлаб олинди. Ўрмон хўжалиги илмий тадқиқот институти томонидан тавсия қилинган 5x25 см ли контейнер назорат вариант қилиб белгиланди. Контейнерда субстрат 3 ҳисса тупроқ ва 1 ҳисса чириган гўнг аралашмасидан фойдаланилди.

Тадқиқот майдонида гидрогелнинг ўзига хос хусусияти тупроқнинг жипслашиш кўрсаткичини ошириши ўрганилди. Контейнерларда етиштирилган кўчатларни ўсиб-ривожланишини таъминлашда гидрогелнинг турли концентрацияларидан фойдаланилди. Бунинг учун гидрогелнинг 50 г, 100 г, 150 г, 200 г ли тажриба ва назорат вариантларида тадқиқот ишлари амалга оширилди.

Тадқиқот мобайнида тажриба вариантларида писта кўчатларини йиллик ўсиш кўрсаткичлари, шохланиш даражаси ва барг ўлчамидаги ўзгаришлар ўрганилди. Тадқиқот ишлари 75 та ўсимликда 3 та такрорийликда олиб борилди. Ўсиш кўрсаткичлари вегетация сўнгида аниқланди.

Ишнинг иқтисодий самарадорлигини ўрганишда анъанавий услубда писта плантациялари барпо этиш назорат варианты сифатида белгилаб олинди. Тадқиқот мобайнида писта кўчатларининг тез ўсиши, эрта пайвандланиши (2 йилда) ва эрта ҳосилга кириши (5 йилда) инобатга олинди.

Одатда хандон писта 2-3 йил пайвандлашга тайёр бўлиб, пайвандлангандан сўнг 8-йили ҳосил бера бошлайди. Бизнинг тадқиқотимизда ушбу муддатлар орасидаги фарқ асосида иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари таҳлил этилди. Бунинг учун хандон писта кўчатларини контейнерларда етиштириш учун уруғларни турли вариантларда тайёрлаш, экилган кўчатларнинг ўсиб-ривожланиши учун фойдаланилган юза фаол (мелиорант) моддалар харажатлари инобатга олинди.

Диссертациянинг «**Хандон писта уруғларини экишга тайёрлаш ва кўчат етиштириш технологиясини такомиллаштириш**» деб номланган учинчи бобида хандон писта уруғларини экишга тайёрлаш принциплари ва кўчат етиштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари келтириб ўтилган.

Уруғларини экишга тайёрлашни такомиллаштириш. Хандон писта уруғлари мағзи ва эндокарпининг сув ютиш интенсивлиги, хандон писта уруғ қисмларининг сув тўплаш динамикаси, турли хароратдаги сувнинг хандон

писта уруғлари томонидан ютилиши, хандон писта уруғи ҳажмининг намликни ютиш динамикаси, уруғлар сақланиш муддатининг уруғларнинг унувчанлигига таъсири, хандон писта уруғларининг унувчанлиги, иссиқ ҳароратнинг хандон писта уруғлари унувчанлиги ва ўсиш қувватига таъсири, турли намликка эга хандон писта уруғларининг унувчанлигига совуқ ҳаво ҳароратининг таъсири, турли сақлаш шароитлари (тараларда) ва муддатларининг хандон писта уруғларини ўсиш қуввати ва унувчанлигига таъсири, уруғлар сақланиш муддатининг контейнерлардаги уруғларни униб чиқишига таъсири, контейнерларда уруғ экиш чуқурлигининг ниҳолларни униб чиқишига ва сақланиб қолишига таъсирини ўрганиш натижалари келтирилган.

Контейнерларда уруғкўчатларни етиштириш технологиясини такомиллаштириш. Хандон писта плантацияларини барпо қилишда ёпиқ илдиз тизимида ўстирилган ниҳоллардан фойдаланиш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари баён этилган.

Бунда турли ҳажмдаги контейнерлардан (5x25, 10x25, 15x30, 20x40 см ва ундан катта) фойдаланилган. Контейнерлар полиэтилен плёнкадан тайёрланади ва пастки қисмида дренаж мақсадида катта бўлмаган тешиklar ҳосил қилинади. Субстрат сифатида 3 ҳисса шўрланмаган тупроқ ва 1 ҳисса чириган гўнг аралашмасидан фойдаланилади. Контейнерлар субстрат билан тўлдирилгандан сўнг, 1-2 см чуқурликда стратификация қилинган уруғлардан биттадан экилади. Уруғлар экишдан олдин стратификация жараёнини ўтган бўлиши, яъни уруғларда муртак уйғониб 1-2 мм ниш униб чиққан бўлса, контейнерга экишга яроқли ҳисобланади.

20x40 см ўлчамли контейнерларда етиштирилган кўчатларнинг сақланиб қолиш кўрсаткичлари 95% ни ташкил этиб, ушбу кўрсаткич назоратга нисбатан 122% ни ташкил этди (1-жадвал).

1-жадвал

Контейнерлар ҳажмини хандон писта ниҳолларининг ўсиши ва сақланиб қолишига таъсири

Вариантлар	Контейнерлар ҳажми	Доимий экиш жойига экилгунга қадар, ниҳолларнинг кўрсаткичлари			Ниҳолларнинг сақланиб қолиши, %	Назоратга нисбатан, %
		илдизининг узунлиги, см	бўйи, см	илдиз бўғзи диаметри, мм		
1 (назорат)	5x25	8,2±0,14	10,1±0,14	2,1±0,05	78	100
2	10x25	12,1±0,13	12,2±0,13	3,1±0,06	85	109
3	15x30	18,2±0,22	15,4±0,18	4,1±0,07	88	113
4	20x40	32,2±0,21	17,1±0,19	4,1±0,05	95	122
НСР		1,542	1,16	0,77		

Диссертациянинг «Лалмикор ерларда хандон пистани саноат плантацияларида ўстириш технологияси» деб номланган тўртинчи бобида хандон писта плантацияларини барпо этишда чуқурли майдончалардан, юза фаол моддалардан, минерал ўғитлардан ҳамда, гидрогелдан фойдаланиш натижаларининг самарадорлиги баён этилган.

Уруғкўчатларни турли чуқурликда экишнинг ўсимлик ўсиши, ривожланиши ва сақланиб қолишига таъсири. «Бричмулла» ўрмон хўжалигидаги майдонлар нотекис бўлганлиги, ҳамда техникада тупроққа ишлов беришдаги қийинчиликлар сабабли ушбу майдонларда майдончали усулда ўрмон барпо этиш мақсадга мувофиқдир. Олиб борилган тадқиқотларимизда 15 см ли чуқурли майдончаларга экилган турли ҳажмли хандон писта кўчатларини юқори даражада (84-95%) сақланиб қолганлиги, ҳамда ушбу кўрсаткичлар назорат вариантыдан 4-6% га юқори эканлиги маълум бўлди. 20 см ли чуқурликка экилган барча ҳажмли хандон писта кўчатлари сақланиб қолиш даражаси назорат вариантыдан паст бўлганлиги кузатилди. 15 см ли чуқурликларга экилган хандон писта кўчатларининг ўсиш кўрсаткичлари 25,4 - 38,4 см ни ташкил этиб, назорат вариантыдан 126-138% га юқори бўлди.

Плантациядаги хандон писта ўсимлигига юза фаол «мелиорант» моддаларнинг таъсирини аниқлаш. Мелиорантлар Ўзбекистон Фанлар Академиясига қарашли Кимё институтида синтез қилинган.


Юза фаол моддалар орқали сунъий мулча яратиш, яъни тупроқда намликни яхшироқ сақлаш ва физик буғланишни камайтириш мақсадида ҳимояловчи плёнка қатламини ҳосил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқот олиб борилган йиллар мобайнида (2015-2017) тупроқнинг 1 метр чуқурликдаги устки қисмида намлик улушининг юқорилиги билан (ўртача 3-4%) назорат учун ажратилган майдондан фарқланиб туради.

Жигарранг тупроқли худудларни кўп қисмида ёғин миқдори жуда кам бўлганлиги учун у ерда ўрмон ва ўрмон тўшамалари ривожланиши учун зарур шароит мавжуд эмас. Жигарранг тупроқларда «структурасизлик» хусусияти кучли ҳисобланади, яъни сувга чидамли макроагрегатлар кам миқдорда учрайди. Бу хусусият доимий, генетик хусусиятга эга бўлади ва енгил-номустахам пўстлоқ қатламини ва эрозияга кам чидамликни ҳосил бўлишига асосланади. Бундан ташқари, кам миқдорда ёмғир ёғишига қарамай типик бўз тупроқларда пўстлоқ қатлам тез қалқиб чиқади тупроқ устини қоплаб олади, натижада ҳаво алмашинуви бузилади, намликни керагидан ортиқча сарф бўлишига олиб келади. Физикавий ҳолатини яхшилаш учун бир қанча чора тадбирлар орасидан энг самаралиси сунъий структура ҳосил қилувчи полимерларни қўллашдир.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳимояловчи плёнка қатлам тупроқнинг физик хусусиятларини яхшилаб, намликни сақлаб туриши сабабли ўсимликларни лалми ерларда ўсиши ва ривожланишига қулай шароит яратади. Икки-уч йиллик кўчатларнинг таксономик кўрсаткичларига қараганда ўсимликнинг бўйига ўсиш кўрсаткичлари сунъий мулча қилинган вариантларда яққол интенсивлиги билан ажралиб туради. Назоратдаги ўсимликлар билан солиштирилганда ўсимликларнинг бўйи, поя диаметри, шох-шаббанинг тик ўсувчанлиги ўртача 20-50% га юқори кўрсаткичларга эгаллиги сезиларли даражада намоён бўлди.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, юқори натижаларга эга бўлган кўчатларга мелиорантнинг 0,2% ва 0,4% концентрацияли эритмаси билан ишлов берилганда кузатилди. Оптимал натижаларга эса 0,2% ли концентрация

орқали эришилди, чунки 0,4% ли концентрацияга нисбатан солиштирилса кўчатларнинг йиллик ўртача бўйи ўсиши, илдиз бўғзи диаметри калинлашуви, шох-шаббанинг тик ўсувчанлигини шаклланишида ёнлама шохларнинг ўсиш суръатлари каби катор кўрсаткичларда 0,2% ли концентрация 0,4% ли концентрацияга қараганда ижобий фарқланади ($t < 3$). Бунинг асосий сабаби меъеридан ортиқ концентрация ўсимликларнинг физиологик жараёнларига салбий таъсир кўрсатишидир (1-расм).



1-расм. Юза-фаол «мелиорант» модданинг хандон писта кўчатларининг сақланиб қолиш даражасига таъсири, % ҳисобида

Минерал ўғитлар меъёрларининг хандон писта ўсимликлари ўсиши ва ривожланишига таъсири. Хандон пистанинг ўсишига агротехник тадбирларнинг таъсирчанлиги юқори бўлади. Тупроқдаги мелиоратив ҳолат ўсимликлар ўсиши учун қулай бўлган ҳолдагина озикланиш меъёрлари ва тартиби яхшиланади. Масалан, озуқа элементлари билан кам ва ўрта таъминланган лалми ерларда структурантлар ва минерал ўғитларнинг қўлланилиши тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаб намликни ўзида нормал даражада ушлаб туради. Бу хатто ёзнинг ўта қуруқ об-ҳаво шароитида ҳам пистазорларга салбий таъсирини камайтиради.

Масалан $N_{90} P_{60} K_{30}$ вариантыда кўчат баландлиги $31,5 \pm 1,0$ см илдиз бўғзи йўғонлиги $12,5 \pm 0,04$ мм ни ташкил этган бўлса, назорат вариантыда бу кўрсаткичлар мос равишда $24,3 \pm 0,8$ см ва $11,5 \pm 0,03$ мм бўлган (2-жадвал).

Плантацияларни барпо этишда нам сақловчи «гидрогель» моддалардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш. Нам сақловчи «гидрогель» моддаларни ўсимликка таъсирини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотларда, кўчатларнинг сақланиб қолиш даражаси, экилгандан кейинги кўчатларнинг бўйи ва унинг ўсиши, ён шохларнинг ва барглари

ривожланиши каби тавсифи вегетацион даврнинг охиридаги ҳолати бўйича ҳисобланди.

Тадқиқотларда фойдаланилган кучли шишувчан нам сақловчи моддалар Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институти олимлари томонидан маҳаллий хом ашёлардан синтез қилинган кристалл модда бўлиб, 1 г қурук гидрогель препарати 200-300 мл сувни ўзида шимиб олади. Мазкур нам сақловчи моддаларни суғорма деҳқончиликда турли тупроқ мелиоратив шароитлар ва турли меъёрларда ва муддатларда қўллаб, уларнинг асосида сув тежамкор суғориш технологиялари ишлаб чиқилган ва уларнинг параметрлари асосланган. Энг яхши самарага нам сақловчи моддаларни тупроққа кеч кузда 1 га майдонга ўртача 30-50 кг меъёрда киритилган шароитларда эришилган.

2-жадвал

Писта ўсимлигининг ўсиши ва ривожланишига минерал ўғитларнинг таъсири


Вариантлар	Баландлиги, см	Илдиз бўғзи диаметри, мм	Бўйига ўсиш, см	Ён шохларни ўсиши		Сақланиб қолиш даражаси, %
				бир ўсимликдаги микдори, дона	узунлиги, см	
Бир ёшли ўсимликлар						
Назорат (ўғитсиз)	24,3±0,8	9,0±0,03	9,1±0,02	5	7,1±0,02	55
N ₁₀ P ₁₀	26,4±0,8	11,5±0,03	10,5±0,02	7	8,4±0,03	80
N ₃₀ P ₃₀	28,2±0,9	11,8±0,03	12,0±0,04	8	9,5±0,03	75
N ₆₀ P ₃₀	31,0±0,9	12,1±0,03	15,4±0,04	9	11,6±0,03	72
N ₉₀ P ₆₀ K ₃₀	31,5±1,0	12,5±0,04	16,2±0,04	10	12,4±0,03	70
НСР		0,95	0,71		0,71	
Икки ёшли ўсимликлар (пайвандлашга тайёрланган)						
Назорат (ўғитсиз)	24,3±0,8	6,0±0,03	14,3±0,02	5	7,1±0,02	60
N ₁₀ P ₁₀	31,5±1,0	9,5±0,04	21,5±0,04	6	12,4±0,03	85
N ₃₀ P ₃₀	34,8±1,2	9,1±0,05	24,8±0,07	5	14,4±0,04	78
N ₆₀ P ₃₀	35,2±0,9	9,2±0,04	26,8±0,02	5	15,4±0,04	76
N ₉₀ P ₆₀ K ₃₀	35,8±1,2	9,1±0,05	27,6±0,03	5	16,5±0,03	75
НСР		0,98	0,75		0,75	
Пайвандлангандан кейинги 2 йил						
Назорат (ўғитсиз)	35,2±1,0	10,1±0,04	20,7±0,03	8	16,4±0,03	
N ₁₀ P ₁₀	60,4±1,1	14,8±0,05	38,5±0,03	10	20,1±0,04	
N ₃₀ P ₃₀	80,6±0,9	25,4±0,05	55,2±0,02	12	28,2±0,03	
N ₆₀ P ₃₀	85,6±0,8	26,6±0,04	60,2±0,03	10	30,4±0,03	
N ₉₀ P ₆₀ K ₃₀	88,6±0,7	27,4±0,05	63,2±0,02	10	32,5±0,03	
НСР		0,98	0,75		0,75	

Мазкур технологияларни қўллаш суғориш сувини 30-50% гача тежаш ва суғоришлар сонини камайтириш имконини яратади. Нам сақловчи моддалар киритилган тупроқлар шароитида экилган ўсимликнинг ўсиши тезлашади ва

хосилдорлиги ўртача 10-20% гача ортади, узок муддат суғорилмаган даврда ҳам ўсимлик ўзининг холатини сақлаб қолади. Бундан ташқари тупроқ зичлашиши камаяди, ўғитлардан фойдаланиш самарадорлиги ҳам ортади. Нам сақловчи моддаларнинг таъсир қилиш муддати 2-3 йилни ташкил этади.

Хандон писта плантацияларини барпо этишда 11,2 см баландликка эга бўлган контейнерда етиштирилган хандон писта кўчатларидан фойдаланилган бўлса, нам сақловчи моддалар таъсирида унинг бир йиллик ўсиш кўрсаткичи 19,6-20,5 см га етди. Назорат вариантыда эса ушбу кўрсаткич 18,2 см эканлигини инобатга олсак, нам сақловчи моддалар таъсирида кўчатларнинг бўйи назорат вариантыдан 1,08-1,13 маротаба юқори бўлди.

Нам сақловчи моддалар намликни ушлаб туриши ҳисобига лалмикор худудларга экилган кўчатларнинг сақланиб қолиш даражасига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Олиб борган тажрибаларимизда, экилган кўчатларнинг сақланиб қолиш даражаси 50 г миқдордаги нам сақловчи «гидрогель» моддалар таъсирида 8-19% назоратга нисбатан юқори бўлганлиги кузатилди (2-расм).



2-расм. Хандон писта кўчатлари сақланиб қолиш даражасига нам сақловчи «гидрогель» моддаларнинг таъсири, %

Нам сақловчи моддаларнинг таъсири натижасида хандон пистанинг шохланиш кўрсаткичлари, шох-шаббаларнинг ўртача узунлиги каби кўрсаткичлари ҳам юқори бўлди. Шохланиш кўрсаткичи назорат вариантыдан 2 маротабага яъни назорат вариантыда бир йиллик хандон писта кўчатида 3 донга ён шохлар шаклланиб бўлса, 200 гр нам сақловчи моддалар қўлланилган вариантда ушбу кўрсаткич 6 тани ташкил этди. Ён шохлар узунлиги эса назорат вариантыда 5,5 см ни ташкил этган бўлса, тажриба вариантларида ушбу кўрсаткич 6,1-6,5 см ни ташкил этди. Бу эса назорат вариантыдан 1,1-1,18 маротаба юқори бўлди.

Нам сақловчи моддаларни тупроққа аралаштириш орқали тупроқ намлигини йилнинг иссиқ ойларида 2-3 йилгача бир хил меъёрга ушлаб туриш мумкин. Бу эса лалмикор худудларда барпо этилган хандон писта кўчатлари ўсиши учун етарли даражада намликни тўпланишига сабаб бўлади.

Намликнинг тўпланиши эса хандон писта кўчатларини яхши ўсиб-ривожланишига, шохланишига, пайвандлаш ва ҳосилга кириш муддатларининг қисқаришига ҳамда ҳосилдорликнинг ортишига сабабчи бўлади.

Бир йиллик писта кўчатларига нам сақловчи моддаларнинг таъсирини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра энг юқори кўрсаткич 100 г қўлланилган вариантда кузатилди. Бунда кўчатларнинг бўйига ўсиши 20,5 см, назоратга нисбатан 113%, ён шохларининг ўсиши 6,5 см, назоратга нисбатан 118,0% юқори бўлди.

Намликни сақлаб турувчи хусусиятга эга бўлган нам сақловчи моддаларни агротехник тадбирларда қўллаш ўсимликларни, хусусан хандон пистани, кам таминланган тоғолди лалми ерларларда ўсиши ва ривожланишини таъминлайди, шу билан бирга писта ўсиш шароитини яхшиланишига, намлик етишишига тезда жавоб беради.

Плантацияда хандон пистанинг ёш дарахтларини пайвандлашга тайёрлаш ва пайвандлаш технологияси. Тажриба ишлари 5, 10, 15, 20 см ли чуқурли майдончаларга экилган хандон писта (*Pistacia vera* L.) кўчатларида амалга оширилди.

Ушбу кўчатларнинг 10 см чуқурликли, ҳамда 50 г гидрогель билан ишлов берилган вариантдаги кўчатни ўсиш тезлигининг юқорилиги натижасида пайванлашнинг самарадорлиги назорат вариантыдан 1,8 мартаба юқори бўлди. 20 см чуқурликли майдончаларга экилган хандон писта кўчатларини 10 см қолдирилган ҳолатда кесилгандан сўнг ёғочлашмаган новдаларнинг секин ўсиши ҳисобига улардаги пайвандлаш самарадорлиги ҳаттоки назорат вариантыдан ҳам 2-4% га паст эканлиги аниқланди.

Куртаклари тутиб қолган новдаларда, уларни ўсишини жадаллаштириш учун уланган куртакдан 10 см юқорироқ ва пастрокдаги куртаклар олиб ташланади ва пайвандтагнинг уч қисми кесилади. Куртак тутиб қолгандан сўнг, новда 15-20 см қолдирилиб кесилади. Куртаклар 20-25 см ўсгандан сўнг пайвандтагнинг 15-20 см ли новдаси олиб ташланади. Кейинги 3-4 йил ичида пайвандтагнинг пастки қисмидан ўсиб чиқаётган бачки новдаларни мунтазам равишда олиб турилади. Одатда маданийлаштирилган боғлар 4-5 йилда ҳосилга кира бошлайди, ҳар бир дарахтдан 0,5-2,8 кг ёнғоқ олинади.

Хандон писта уруғкўчатларини етиштириш ва плантацияларини барпо этишнинг такомиллаштирилган технологиясини иқтисодий самарадорлиги. Контейнерларда етиштирилган кўчатлар экилган жойида кечги совуқлардан кейин экилиши натижасида уларнинг совуқ урушининг олди олиниши 95-100% кўчатларининг сақланиб қолиши, суғориш тизимига эга бўлгач майдонларда эса, баҳор, ёз фаслининг ҳоҳлаган пайтида экиш имконияти борлиги унинг ниҳоятда самарали усул эканлигидан далолат беради. Ҳандон пистанинг доимий жойига уруғидан экиб пистазорлар барпо этишда уларни кузда экилгандан сўнг турли хайвон ва қушлар томонидан 100% гача еб кетилишини, янги ўсиб чиқаётганда эса, қуён ва қушлар томонидан яна еб, йўқ қилинишига гувоҳ бўлганмиз. Шулар билан бир қаторда, об-ҳавонинг ноқулай келиши ҳам янги ўсиб чиққан ниҳолларни йўқ бўлишига сабаб бўлар эди.

Лалмикор ҳудудларда хандон писта плантацияларини ўстиришнинг иқтисодий самарадорлигини уруғ экиш ва контейнерларда етиштирилган писта кўчатларидан фойдаланиш орқали барпо этиш асосида таҳлил этиш мумкин. Хандон писта уруғидан экилгандан сўнг 8-10 йилда (пайванд қилингандан кейин эса 5 йил ўтгач, яъни 7-8 йилда) ҳосил бера бошлайди. Контейнерда етиштирилган ва тупроққа нам сақловчи моддалар билан ишлов берилган ҳолатда 6-йилдан сўнг ҳосил олиш мумкин. Бундан ташқари, нам сақловчи моддалар билан ишлов берилган майдонлардаги кўчатларнинг сақланиб қолиш даражаси ҳам юқори бўлади. Бизнинг тадқиқотимиздаги самарадорлик хандон пистанинг эрта ҳосил бера бошлаши натижасида олинадиган даромад билан баҳоланади.

Писта плантацияларини барпо этиш харажатлари уруғидан барпо этилганда контейнерли кўчатлардан орқали барпо этилганга нисбатан 2206 минг сўм кам маблағни талаб этади. Лекин, контейнерли кўчатларни нам сақловчи «гидрогель» моддалар аралашмали чуқурли майдончаларга экиш орқали улардан уруғдан барпо этилганга нисбатан ўртача 2 йил илгари ҳосил олиш мумкин бўлади. Бир туп хандон писта дастлабки йилларда, яъни уруғдан барпо этилган пистазор ҳосилга киргунга қадар ўртача 0,6 кг ҳосил беради. 1 га пистазор эса 1 йилда $160 \times 0,6 = 96$ кг, 2 йилда эса $96 \times 2 = 192$ кг ҳосил беради. Ҳозирги вақтда хандон писта 1 кг мевасининг нарҳини 80 минг сўмдан ҳисобласак, контейнерли кўчатлар орқали эрта ҳосил олиш ҳисобига 15360 минг сўм қўшимча даромад оламиз. Ушбу даромаддан хандон писта плантацияларини уруғидан ва контейнерли кўчатлардан барпо этишдаги харажат орасидаги фарқни олиб ташласак, контейнерли кўчатларни нам сақловчи моддалар аралашмали майдонларга экиш орқали 13154 минг сўм соф фойда олиш мумкин бўлади.

Контейнерли кўчатларни нам сақловчи «гидрогель» моддалар аралашмали чуқурли майдончаларга экиш орқали сарфланган ҳар бир сўмдан 6-7 сўм фойда кўрилади.

ХУЛОСАЛАР

1. Писта уруғларини экишга тайёрлашда уларнинг сув ютиш даражасини инобатга олиш лозим. Чунки ушбу кўрсаткич унинг унвчанлигини белгилаб беради. Писта уруғларининг сув ютиш кўрсаткичи сақланиш муддати 6 ойни ташкил этган уруғларда 45,6%, 18 ойда 39,7%, 30 ой сақланган эса 37,4% ни ташкил этди.

2. Контейнерларда ниҳолларни униб чиқиш кўрсаткичлари 1 см чуқурликда экилган вариантда юқори бўлади, лекин ниҳолларнинг сақланиб қолиш ва яхши ўсиш даражаси 3 см чуқурликда бўлганда кузатилди.

3. Хандон писта планцияларини барпо этишда йирик ўлчамли яъни 20x40 см ҳажмли контейнерлардан фойдаланилганда экилган кўчатнинг сақланиб қолиш даражаси ҳам 10% га кўп бўлди.

4. Олиб борилган тадқиқотларимизда 15 см ли чуқурли майдончаларга экилган турли ҳажмли хандон писта кўчатларини юқори даражада (84-95%)

сақланиб қолиб назорат вариантыга нисбатан 4-6% га юқори бўлди. Кўчатларнинг бўйи 18,2-38,4 см гача ўзгаради. Бунда ҳам 15 см ли чуқурликда экилган кўчатларнинг биометрик кўрсаткичларини юқори бўлиши кузатилди.

5. Хандон писта плантацияларини барпо этишда 11,2 см баландликка эга бўлган контейнерда парваришланган кўчатлар экилиб, нам сақловчи моддалар қўлланилганда унинг бир йиллик ўсиш кўрсаткичи 19,6-20,5 см га етади. Бу эса назорат вариантыдан 1,08-1,13 маротаба юқори бўлди.

6. Нам сақловчи моддалардан фойдаланиш натижасида хандон писта кўчатининг шохланиш кўрсаткичлари, шох-шаббаларнинг ўртача узунлиги кабилар ҳам ортди. 200 г нам сақловчи моддалар қўлланилган вариантда кўчатлар ўртача 6 та ён шохлар ҳосил қилиши билан фарқланди яъни етиштирилган кўчатларни нам сақловчи моддалар қўлланилган очиқ далага экилганда назоратга нисбатан биометрик кўрсаткичлари, ён шохлари 2 баробарга кўп, бўйи эса 1,1-1,18 маротаба баланд бўлди.

7. Хандон писта плантацияларида юза фаол «мелиорант» моддалардан сунъий мулча яратиш натижасида кўчатларнинг таксономик кўрсаткичлари (ўсимликларнинг бўйи, ён шохлар сони, поя диаметри, шох-шаббанинг тик ўсганлиги) ўртача 45-50% га юқори кўрсаткичларга эга бўлди.

8. Икки йиллик писта (пайвандлашга тайёрланган) кўчатларига минерал ўғитлар таъсири бўйича ўтказилган тадқиқотларга кўра, N₁₀P₁₀ вариантыда кўчат баландлиги 31,5 ± 1,0 см илдиз бўғзи йўғонлиги 9,5 ± 0,04 мм ни ташкил этди.

9. Лалмикор ҳудудларда намликни сақлаб туриш мақсадида хандон писта кўчатларини 10 см ли чуқурли-майдончаларга 50 г нам сақловчи (гидрогель) моддалар қўллаб экиш энг самарали бўлиб, хандон писта кўчатлари пайвандлашнинг самарадорлиги ёғочлашмаган новдаларда 80% ни ташкил этди ёки бу кўрсаткич назоратга нисбатан 1,8 маротаба юқори бўлди.

10. Хандон писта плантацияларини 20x40 смли контейнерларда етиштирилган кўчатлардан фойдаланилган, ҳамда 15 см чуқурли майдончаларга 50 г миқдорда нам сақловчи моддалар аралаштирилган майдонларга экиш орқали 15074 минг сўм соф фойда олиш мумкинлиги аниқланди.

11. Хандон писта плантацияларини барпо этиш учун ўрмон ва фермер хўжаликларига:

хандон писта кўчатларини етиштириш учун герметик шиша идишларда 18 ойдан кўп бўлмаган муддатда сақланган уруғлардан фойдаланиш;

лалмикор ҳудудларда хандон писта плантацияларини барпо этиш учун 20x40 см ли контейнерларда етиштирилган кўчатларни ер сатҳидан 10 см чуқурликка, тупроққа 50 г гидрогель аралаштирилган ҳолда экиш;

плантацияга ўтказилган хандон писта кўчатларини иккинчи йилда 10 см қолдириб кесиш ва июн ойининг иккинчи ўн кунлигидан июл ойининг биринчи ўн кунлигигача пайвандлашни амалга ошириш тавсия этилади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
DSc.27.06.2017.Qx.13.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ АГРАРНОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ЛЕСНОГО
ХОЗЯЙСТВА**

ЭШАНКУЛОВ БОБОМУРОД ИНАЯТОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ
ФИСТАШКИ НАСТОЯЩЕЙ НА ПРОМЫШЛЕННЫХ ПЛАНТАЦИЯХ В
БОГАРНЫХ ПРЕДГОРЬЯХ ЗАПАДНОГО ТЯНЬ-ШАНЯ**

**06.03.01 – Лесные культуры. Селекция, семеноводство и озеленение городов.
Агролесомелиорация и защитное лесоразведение**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ - 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.3.PhD/Qx174.

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте лесного хозяйства.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-сайте Научного совета (www.tdau.uz) и информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Чернова Галина Михайловна
доктор сельскохозяйственных наук

Официальные оппоненты:

Кайимов Абдухалил
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Толипов Хожимурод Миразимович
кандидат биологических наук

Ведущая организация:

Научно-исследовательский институт садоводства, виноградарства и виноделия имени академика М.Мирзаева

Защита диссертации состоится 29 сентября 2018 года в 10⁰⁰ часов на заседании разового научного совета на основе Научного совета DSc.27.06.2017.Qx.13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz. Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1-этаж, конференц-зал).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована над номером 535599). (Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан 15 сентября 2018 года.
(реестр протокола рассылки №1 от 28 августа 2018 года).

Б.А. Сулаймонов

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.б.н., академик

Я.Х. Юлдашов

Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, к.с.х.н., доцент

М.М. Адилов

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.с.х.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Фисташка настоящая является культурой, выращиваемой во многих странах мира. Ежегодно по всему миру выращивается 855 тысяч тонн плодов фисташки настоящей. В странах-поставщиках фисташки этот показатель составляет: в Иране 415,5 тысяч т., в США 233,1 тысяч т., в Турции 155 тысяч т., в Китае 76,9 тысяч т. и в Сирии 28,8 тысяч т.³ Выращивание качественных сеянцев фисташки настоящей для повышения урожайности данной культуры является одной из актуальных проблем.

В мире проводятся масштабные исследования для развития фисташководства, в частности по повышению продуктивности естественных насаждений, улучшению качества существующих и созданию высокопродуктивных плантации *Pistacia vera* L.. Также проводились научные исследования по созданию высокопродуктивных, качественных экспортоориентированных сортов ореха и подбору форм, совершенствованию технологии создания и выращивания семенной плантации фисташки настоящей и достигнуты определённые успехи.

На сегодняшний день в системе лесного хозяйства нашей страны проведены масштабные реформы, особое внимание уделяется совершенствованию системы возведения плантаций фисташки настоящей, повышения урожайности фисташковых рощ, упрощению их размножения сеянцами, уделяется большое внимание применению инновационных методов в развитие фисташководства. Запланировано создание плантации интенсивного типа в республике на площади 10 тыс.га. На основе реализованных программных мер в этом направлении выведены новые сорта и формы фисташки настоящей, достигнуты определённые результаты по разработке технологии посадки семян на постоянное место выращивания. Вместе с тем, недостаточно внимания уделено разработке технологии выращивания фисташки настоящей из сеянцев. В Стратегии развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены задачи по «...дальнейшему укреплению продовольственной безопасности страны, расширению выпуска экологически чистой продукции, заметному повышению экспортного потенциала аграрного сектора...»⁴.. При этом актуальным считается дальнейшее повышение эффективности выращивания продукции путем создания плантаций фисташки настоящей из саженцев, выращиваемых в подготовленных контейнерах и сокращение сроков начала их плодоношения.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит научному обоснованию задач, обозначенных в Указе Президента Республики Узбекистан УП №5041 от 11 мая 2017 года «Об организации Государственного комитета Республики Узбекистан по лесному хозяйству» и Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП №2966 от 11 мая 2017 года «Об

³ <http://www.fao.org/faostat/ru/#data/QC>

